



# ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ

1956 йил 4 январдан нашр этила бошлаган

1997 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

24 октябрь, № 43 (3518)

## ЮКСАЛИШ НУҚТАСИ ТИЛДАН БОШЛАНГАН...

Тил инсоният минг йиллар давомида яратган энг буюк маънавий нёъматлардан биридир. Ҳар қандай халқни халқ сифатида намоён этувчи ҳам шубҳасиз, шу халқ яратган, сузлашган ва сузлашаётган у она тили ҳисобланади. Узлигини унутмаган ва келажикга шубҳа қўзи билан қарамаган ҳар қандай элат, ҳар қандай миллат тилига ҳеч ҳам лоқайд боқмайди. Зеро, узликни топиш — юксалиш нуқтаси тилдан бошланади. Акс ҳолга тушганлар эса, тарих саҳнасини узларга бушатиб беришга мажбурдирлар.

Шу ҳақиқатни чуқур англаб етган халқимиз бундан сажиз йил аввал — ҳали шуро қафасининг темир панжаралари мустаҳкам бир пайтда ҳеч шубҳасиз, буюк галабани қўлга киритди. Узбек тили давлат тили дея эълон қилинди. Кекса тарих олдида 8 йил денгиздан томчидек тасаввур уйғотса-да, шу қисқа давр ичида тилимиз тараққиёти, унинг софлиги ва гузаллиги учун сезиларли ижобий ишлар амалга оширилди. Утган ўн йилликлар мобайнида бутун ўзбекона ҳаётимизга қадар андишасизларча «бош суқиб» кирган ёт муомала урнини тўзалибоқ чугурлай бошлаган тилимиз эгалай бошлади. Қадим бобою момоларимиздан мерос, узоқ тунлар энтиқиб айтилган ширин аллалар билан қонқонимизга синган, узлигимизни, ўзбеклигимизни қурсатувчи она тилимиз уз қадр-қимматини топди...

Бироқ, ҳали олдинда қилиниши лозим бўлган юмушларимиз кўп. Биз уз олдимизга юксак маънавиятли гузал ҳаётни қуриш вазифасини қўйган эканмиз, кечани галабалар билан яшай олмаимиз. Зеро, ҳалиям узи ўзбек бўла туриб ўзбекчани яхши билмайдиган раҳбар раҳбарларимиз, ота-бобоси сузлашган тилга тузук тушунолмайдиган баъзи «зевил»ларимиз учраб туради. Ҳалиям, узларини «културний» ҳисоблаб ўзбек ва рус тилларини «қориштириб», «чоғиштириб» янги «узрус» тилида «сузлашаётган»лар билан кўча-қуйда, ишда-ю уқийда учрашиб қоламиз. Ва яна, ҳалиям турли «ташқилотчалар» юзига «Ташкентский городской совет. Кировский район» ёки «УзССР. Автомоболстрой» каби «қимликларни» билдирувчи ёзувларга қўзларимиз тушиб қолади.

Олдинда қилинажак ишлар жуда кўп. Бу вазифаларни кўнгилдагидек адо этишга эса тилим деб, элим деб яшайдиган ҳар бир фуқаро амалий ишлари, «ениб-қуйишлари» билан уз ҳиссасини қўшмоғи лозим. Зеро, Ватанимизнинг куч-қудрати тил билан, тилга булган эътибор билан белгилангусидир.

## ТИЛ БАЙРАМИ — МИЛЛАТ БАЙРАМИ

Миллатнинг миллат бўлиб шаклланиши, миллий хусусиятлар барқарорлиги ва миллатнинг барҳаётлиги асосларидан бири Ватан бўлса, иккинчиси тилдир. Миллатнинг дахлсиз турмуш кечирishi, озода ва эркин яшashi ҳам тил билан Ватанга боғлиқ. Тил билан Ватанимиз дахлсизлиги миллатнинг дахлсизлигидир. Зеро, тилини йўқотганлар Ватанидан, Ватанини йўқотганлар тилдан ажралиб қолади. Тарихда бунинг шафқатсиз мисоллари бисёр...

Бизнинг она Ватанимизга қўз олайтирганларга ҳам, она тилимизга дахл қилганларга ҳам тарих гувоҳ, асрлар шоҳид. Бироқ бундай таътиқлардан ҳар сафар голиб чиқдик, музаффар чиқдик.

Ана шундай галабаларимиздан бири — шуро истибодидан халос булганимиз: она Ватанимизнинг мустақилликка эришгани, она тилимизнинг давлат мақомига эга булгандир.

Ватандошларимиз ўзбек тилига давлат мақоми берилган кунни ҳам мустақиллик байрами сифатида нишонлайдилар.

21 октябрь куни бутун Ватанимиз бўйлаб тил байрами ўтказилди. Республикаимиздаги барча илм даргоҳларида, мактабларда, маърифат ва маданият масканларида тил байрамига бағишланган тантаналар, ижодий кечалар, илмий анжуманлар бўлиб ўтди.

Тошкент Молия институти талабалари ва ўқитувчилари ҳам бу байрамни муносиб нишонладилар. Бу ерда ўтказилган анжумани институт ректори М. Шарифхўжаев кириш сузи билан очди.

Республика Атамашунослик қўмитаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов ва раис муовини Ҳабибулло Бектемировлар «Тил сивасати ва бадияти» хусусида маъруза қилдилар. Таниқли шоирлар Нормурод Нарзуллаев ва Икром Отамурод «Тил, Ватан ва миллат» мавзусида шеър ўқидилар. «Турон чечаклари» ансамбли бадий раҳбари Бахтиёр Холхўжаев ижросидаги қўшиқлар анжуманга хуш кайфият бағишлади.

Йулдош Оқунбобоев номдаги Тиббий ҳамширалар тайёрлаш билим юртида ўтказилган тил байрамида ҳам муқаддас она тилимизга булган меҳр-муҳаббат ифодаланди. Билим юрти ўқитувчи ва талабалари байрамни махсус маънавий-руҳий ҳамда амалий тайёрларликлар билан қарши олдилар.

Анжуманда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бош муҳаррири Аҳмадjon Мелибоев маъруза қилди. Шоирлар Нормурод Нарзуллаев, Икром Отамурод ва Рустам Мусулмон байрам иштирокчиларини янги шеърлар билан хушнуд этдилар.

Талабалар тайёрлаган бадий дастур ва санъаткорлар ижро этган куй-қўшиқлар қўлчиликка манзур бўлди.

## ИККИ ЯРИМ МИНГ ЙИЛЛИК ҲАЙРАТ



Қадим ва навқирон Туронзамин... Узларининг буюк ва бетимсол санъатлари ила дунёга довруғ солиб утган болалар... «Зур карвон йул»лари туташган манзиллар. Юксак манъавияти ва маданияти билан дунёни маҳлиё айлаган дивёр бу!

Истиқлолга эришиб, истиқболга юз тутаятган ушбу кунларимизда буларнинг барча-барчасини яна бир бора юрак-юраклардан ҳис қилдик. Қалбларимиз кўп йиллар соғинган туйғуллар ила топишди. Узлигимизни англаганимиз меваси

уларок, ажодларимиздан мерос қолган фикр жавоҳирлари, ақл ва маҳоратнинг моддий қурилиши сифатида кўкка буй чўзган масжиду минорлар, гузал бинолар... — бари-барининг қудрати қадрига ета бошладик. Қадим Самарқанд, Бухоро ва Хива бутун ҳусну жамоли билан қалб қўзларимизни ҳайрат нурлари-ла қамаштира бошлади. Айниқса, Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллик туйини жаҳон миқёсида нишонланганлиги тарих зарварларига ёзилмақ воқеа бўлди. Зотан, неча минг йиллар мобайнида нафақат Турон замининг, балким бутун қўнча дунёнинг маданият бешиқлари-дан саналган бу шаҳарлар бутунги кунда ҳам уз таровати, буюк аҳамиятини йўқотган эмас. Фасоҳат ва маҳорат соҳиб бўлган ота-боболаримизнинг юксак санъати туйғулари шу каби шуқуҳга, шарафга

эга булган бу шаҳри азимлар Буюк Ипак йўлини Мағрибу Машриқ ила боғлаб, бутун инсониятни маънавий озиқлари билан баҳраманд этди. Бугун эса қадим Бухоронинг осмон билан бўйлашган Минораи Калони олдида туриб ҳайратга чўмган овруполик башанг сайёҳни ёки Ичонқалъа ажойиботларини томоша қила туриб, беихтиёр завқу-шавққа тўлган америкаликни қуриб, бу муъжизалар яратувчиларининг авлодлари эканлигимиздан дилларимиз фахру ифтихор ҳисларига ошно бўлмоқда. Чунки бу гузал обидаларнинг ҳар гишти-да бир санъат, ҳар қари-чида минг йиллар тарихи яширин. Бутун бир миллатнинг меҳру муҳаббати, сабру бардоши, меҳнати мужассам. Келинг, турмуш деб аталмиш оғир юкларни елкадан улоқтиринг-да, улар билан, бир нафас



ҳамсуҳбат бўлинг. Бу обидалар сизга сўзсиз, сукут ила боболардан суйлайди. Улар узок ва сўзсиз куйлайди... Шунда бушаб қолган кўнглингиз илиқ бир меҳр билан лиммо-лим бўлади. Шунда руҳингиз кўкка парвоз этиб, бутун борлигингизни меҳр, фақат меҳр чулғаб олади... Ҳа, икки ярим минг йиллик ёшини нишонлаган Бухоро ва Хиванинг абадиятга дахлдор гузал обидалари ана шундай руҳий қудратга эга. Ана шу қудрат сўвратидан уқиганларим ҳайрат ва яна ҳайрат бўлди.

Камол ОЛЛАЁРОВ



Шоиримиз: «Мен» эмас, «Биз» 5-бет

6-бет Дуранг ҳам қўнча экан 4-бет А. АПОМИШ АВЛОДЛАРИ

## ХОТИРА КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Бадий академияси қошидаги Камолдин Бехзод номдаги миллий рассомлик ва дизайн институтида ис-

теъодли рассом Д. Афуқсиниди хотирасига бағишланган кўргазма очилди. Д. Афуқсиниди 1944 йили ота-онаси билан Фа-

рғона вилоятининг Яйпан қишлоғига келади ва шу ерда урта мактабни тугалаб, Бенков номидаги рассомлик билим юртига ўқишга кириди. Кейин маляка ошириш мақсадида Тошкент Театр ва рассомлик санъати институтининг (ҳозирги М. Уйғур номидаги) рассомлик факултети графика бўлимига ўқишга кириди. Уқийни тугатиб, шу ерда, графика кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлайди.

Изланиш, ўз устида тинимсиз ишлаш натижасида Д. Афуқсиниди уз касбининг етук мутахассиси, айниқса, литография композициясини мукамал ўзлаштирган рассом сифатида танилди. Ижодий изланишлари яхши самаралар бериб, қўллаб қўллаб ва хориз давлатлари кўргазмаларида фаол иштирок этди.

Рассом хотирасига бағишланган бу кўргазмада унинг кишилар турмуши ва меҳнатига бағишланган акварел ишлари намойиш этилган. Хусусан, «Пахта терими» деб номланган туркум акварел ишлари диққатга сазовор. Ижодкорнинг, айниқса, «Уйғонини» ва «Яқун» деб номланган асарлари чуқур фалсафий мазмуни билан ажралиб туради.

Кўргазма очилишида рассомнинг яқинлари, ёрдўстлари, ҳамкасблари ва мухлислари қатнашиб, дил сузларини изҳор этдилар.

Лола ПЎЛАТОВА

## РАНГЛАР ТИЛСИМИ

Болаларга Ватанимиз шонли тарихини ўқитиш, Ватанимизнинг қимматини, муқаддаслигини аниқлаш, Ватанимизнинг ўқитиш йулида «Чулпон» нашриёти янги-янги китоблар чоп этмоқда. Кўп жилдик «Расмларда Ватан тарихи» китоби ана шу мақсадда нашр этилган эди. Китоб болаларни тарбиялашда ўқитувчи ва мураббийларга муҳим қўлланма сифатида фойда келтирмоқда.

Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик юбилей муносабати билан «Чулпон» нашриёти болаларга яна бир ажойиб тўхта ҳада этди: «Сеҳри Бухоро» ва «Хивага савҳат» номли расм китоблари чоп этилди.

Китобларда Бухоро ва Хива шаҳарлари тарихий обидаларининг чизмалари берилган. Асрлар давомида бутун жаҳон аҳли қўзини қамаштириб келаятган ушбу муъжизаларнинг рангларини ўзига ухшатиб буяш ёш китобхонларнинг узларига ҳавола этилган. Бухоро ва Хивадаги тарихий ёдгорликлар, макбараю мадрасалар, минораю гўмбазлар рангларини болаларнинг узлари топадилар. Балки болалар «Сеҳри Бухоро» ва «Хивага савҳат» китобларидаги «Сомонийлар макбараси», «Бухоро арки», «Минораи калон», «Ситораи Моҳи Хоса», «Пахлавон Маҳмуд макбараси», «Калта минор», «Ислол Ҳужа минораси» чизмаларини узлари

Рустам МУСУЛМОН

## «ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Азиз муштарийлар! Мамлакатимизда нашр этилаётган барча матбуот нашрларига, шу жумладан, Сизнинг севимли ҳафталик газетангиз — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га ҳам 1998 йил учун обуна бошланди.

Газета янги 1998 йилда ҳам кўп йиллардан буён шаклланган уз аъналарини давом эттиради. Муштарийларимиз эътиборини қозонган «Ўзбеклар ва дунё», «Жараён», «Ўзбек романи: кеча ва бугун», «Шеърят ва замон», «Тарих ва тақдир», «Тадқиқот, ахборот», «Рухият иқлимлари» руқилари остида ранг-баранг мақолалар, сўхбатлар, тадқиқотлар билан

танишасиз. Янги давр адабиётининг энг сара намуналаридан парчалар, кино, музыка, тасвирий ва амалий санъатга оид мақолалар газета саҳифаларида мунтазам бериб борилади. Азиз муштарийлар! Кўп йиллик ижодий ҳамкорлигимизни янги йилда ҳам давом эттириш учун газетангизга обунани ўз вақтида расмийлаштиришни унутманг. Эътиборингизга яна шунини маълум қиламизки, келгуси йил обунаси учун газета индекслари ўзгарди.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»нинг янги индекслари: — яқна тартибдаги обуначилар учун 222 — ташиқлотлар учун 223

## Янги томоша САҲНАДА «1001 КЕЧА»



СУРАТДА: балет спектаклдан лавҳа

Шубҳасиз, бу асарни билмаган ё номи таниш бўлмаган одам топиламаса керак. Шу асар асосида филмлар суратга олинди, саҳна асарлари қўйилди. Яқинда ҳаммага таниш ва маълум ана шу «1001 кеча» Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат академик Катта театри саҳнасида намойиш этилди.

Озарбойжонлик машҳур композитор Фикрат Амиров музикаси асосидаги асарни моҳир режиссёр Иброҳим Юсупов ўзига хос тарзда талқин этди.

Шуниси муҳимки, композитор классик балетга шарқ рақс унсурларини ниҳоятда усталик билан қири-тиб, гузал, назокатли, ҳақиқий шарқона балет спектакли яратишга муваффақ бўлган.

Асарда театрининг етакчи ва ёш артистлари иштирок этиб, узлари саҳнага олиб чиққан ҳар бир образни маромига етказишга эришганлар.

## УСТОЗЛАР ВА ШОГИРДЛАР «БАҲСИ»

17 октябрь куни Кинолар уйида Ўзбекистон Бадий Академияси ва «Ўзбекино» Давлат акционерлик компанияси билан ҳамкорликда Республика тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати ўқитувчи ва укв-

чиларининг «Устозлар ва шогирдлар» номли тадбири бўлиб ўтди. Йилгилини лицей директори Сами Содиков очиб, меҳмонларни билим маскани тарихи, фаолияти билан таништирди. Табрик учун сузга чиққан таниқли

кинорежиссёр Исамат Эргашев, Бадий Академия бош илмий котиби Акбар Ҳақимов ва доцент Дамира Рустамбетовалар устозлар ишларини юқори баҳолаб, санъат масканида таълим-тарбия олаётган ёш ижод-

корларга омад ва муваффақият тиладилар. Шундан сун учрашув иштирокчилари лицей жамоаси томонидан ташиқл этилган «Ижодий кўргазмага тақлиф этилдилар. Тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, наққошлиқнинг гу-

зал намуналарини ўзида жам этган кўргазма барчада илиқ таассурот қолдирди. Кеча сўнгида постановкачи-режиссёр Н. Раazzoқовнинг илмгоҳ ҳаётига бағишланган «Санъат ошени» телефилми премьераси намойиш этилди.

Ўз ахборотимиз

КЎП ШАМОЛНИ КЎРГАН ГУЖУМЛАР

Ҳар бир элнинг шонини жаҳонга таратган олим уламолари, шоиру санъаткорлари, авлиё анбиёлари бўладики, улар учун жаҳон оғуши шу эллар қадарлиг уш, узлари эрса жаҳон қадар, ҳаммага умумий қадрият бўлиб қолади. Тангри ёрлақган ана шундай эллардан бири — Хоразм. Унинг бағри қанчалар буюк ва мислсиз инсонлар учун Вандалуб. Мана шу бағри Ватанинг ҳам уш афсоналари, ривоятлари бор. Ушбу афсона ва ривоятлар замирида уш ҳақиқатлари, ҳикматлари ва башоратом умиддорлари ётади. Улар шу юрт сарҳадларидан ошган сайин, асрлар ҳудудларини одимлагани сайин янада сирлироқ, маҳобатлироқ бўлиб боради, одамлар эътиборини оҳанрабодек тортаверади. Ёшлик онгимизнинг қаерларидадир урнашлиқ қолган чизилар каби ҳеч қачон учиб кетмайди, улгайганимиз баробари улар буртиб борадилар — биз билан улгайдилар, бизнинг тинччилигимизни йўқотиш даражасига қадар ушадилар...

Ичону Дишон, Гулдурсуну Қирққиз қалъалари тафсилотларини, Хоразм учун рамизий маъно касб этувчи гужумларнинг тасвиричи ғира-шира англамоқчи бўлган болалик тасаввурларимиз бутун уларнинг амалдаги вужудини кураётганидан нечоғлиқ масруригимизни айтмайсизми?! Кўп саҳроларининг беҳудуд салтанатидига баланддан қузғимизга қурингани ашиш воҳа бўлиб, уларнинг қай бири дарактзор, қай бири пахта даласи ёки шопилоп эканлиги суратга олингандай намоён эди. Асрий қумлар қўлидан қанчалар жасорат ва машаққат эвазига тортиб олинган экин майдонларининг ҳар бир қаричи бу воҳа учун нақадар қимматли эканлигини ҳис қилиб борардик...

Шу Ватанда яшаб, вақти келса неча олис эл-юртларни кўрганимиз билан мақтансан-да, юрагимизни бир андиша доим исканжада тутарди: «Жаҳон аҳли бир назар ташлашга интилган Хивада бўлмаган-сан-ку!»

Қадимий Хоразм тупроғига қадам қўйган чоғимиз дилдаги ана шу истихволати уйлар тумани бирдан тарқалгандай бўлди. Узимни енгиб ҳис қилдим. Бизга ҳамроҳ бўлган дусларимиз — шоирлар Ошиқ Эркин ва Матназар Абдулҳақим ҳудди бизнинг кўнглимиздагини сезгандай, Хива туман ҳокимлиги биносига йўл бошладилар. Чунки катта тўй Хивада улуг ишлар авжига чиққан кунларда экан...

Ота дарвозадан ичкарига қадам қўйганимизданқоғимизни мазий оламида сездик. Ҳар бир минораю мадраса, Хон арки ва зиндон, қатлгоҳ ва муҳташам биноларга хос сир синаотлар уй-хаёлларни чўлгаб олган эди. Дилдаги энг эзгу ният амалга ошди — Пахлавон Маҳмуд қабрини зиёрат қилдик. Минг эшитгандан, бир кўрган ортиқ экан. Буюк пахлавон ва бетимсол шоир руҳига тиловат қилинар чоғида нигоҳларимиз мақбара ичидаги қабр тошларга, Муҳаммад Раҳимхон Феруз қабрига ва унга абадийту ҳуқуқини ва салобатини берган гождат нафис ишланган қабр тош узра сирғалди. Хоразм усталаригагина хос бўлган дид ва маҳоратдан сайқал олган деворлар ва шифтлар беҳитиёр ҳавлга толдириди. Буюк пахлавон шоир қабрига шу мақбарани қурдириб, унинг ҳурматино бажо айлаган хон шоир айни бир пайтда узининг номино ҳам абадийлаштиришга мушарраф бўлган эди. Бу, пахлавон шоир руҳининг ҳатто шохлар руҳига ҳам мададга ҳозирлигини, узига муурожаат этганларни ҳаминша қўллашини бизга ана бир қарра уқтиргандай бўлди. Мақбара ҳовлисидаги қудуқ ҳам узига хос тарих ва сир. Ундан сув олиб ичган киши дилдаги энг эзгу орузи руёбга чиқиши бешаклигини айтмайсизми...

Буюк шоир руҳига бўлган ҳурматимизни бажо этгач, беҳитиёр, шоир номи билан аталган жамоа ҳужалиги сари йўл олар эканмиз, шоир Ошиқ Эркин бу ҳужалик ташкил этилганидан буён темир ризқар — Дзержинский номи билан аталганини, темир ризқарлар ва уларнинг пушти-панохлари тахти кўнпақунг бўлган, уларнинг жездан қуйилган сиймолари виқор билан турган шохсупалар ҳозир эгасиз турганини айтди. Ҳужалик идораси ҳовлисидаги «Эгасини йўқотиб қўйган» бу гиштин шохсупага қузғимиз тушган захоти Эркин аканинг йўлдаги галлари ёдга тушди. Ҳаётнинг ва замоннинг кўп шамолларини кўрган Хоразмнинг гужумлари савлат тукиб турган ҳовлидаги бу соҳибсиз тахт кишини беҳитиёр уйга қумдиради. Гужумлар таналарига жойлашиб олиб, уларнинг мағзи томон интилётган қандайдир қуртлар пайдо бўлганини, уларга ҳеч қандай захарзаққум дорилар кор қилолмаётганини айтишди. Гужумларнинг қуртлар тешган жойларидан қизғиш қипқилару аламининг қонли шишдек шира оқиб турарди.

Булар воҳадаги экологик номутаносибликнинг оқибати бўлса керак. Уларни қуриб беҳитиёр тасаввуримизда бир мантқиқий қўйсёлаш пайдо бўлди: темир ризқарлар салтанати ва тахтларини ҳам улар руҳиятда пайдо бўлган инқироз қуртлари ич-ичдан кемириб ташламадими? Иштибоднинг пулат занжирларини абадул-абдага боғладик, деб қибрланиб кетганлар юрагини уларнинг қирб-қумурсқалари емирмадимикин?! Ҳар ҳолда, Хоразмнинг гужумлари бу табиий офат бўлган қуртлардан устивор чиқарлар, деб ишонаман. Чунки кўп шамолларни кўрган бу гужумлар илдиши уш ватанлари заминиде эканини яхши ҳис қиладилар.

— Ҳар қалай, бу шохсупага Пахлавон Маҳмуднинг ҳайкалин кўймассизлар, — дедик жамоа ҳужалиги раиси Давлатёр ака Бежновона. — Шоир аслида бундай муруватга муҳтож ҳам эмас.

— Пахлавон Маҳмуд номи ошган ҳужалигимизда бу муаммони бошқача ҳал қилаймиз, — деди раис. — Шу йил кўп


Туркистон ҳукмдорлари орасида шавкатли хон сифатида танилган Амир Умархонни (1787-1822) биз фақат истиснода шир сифатида билемиз. Қўқон тахтига утирган-дан (1810) кейин хонлиқда утказган иқтисодий ва маданий ишлохотлар, унинг ички ва ташқи сийсати, қўшни мамлакатлар билан алоқаси каби масалалар шуорлар заминиде етарли урганилган. Умархон Қўқон адабий муҳитининг ташилотчиси (А. Қаймов) сифатида қаралганда ва Сибир улқасидеги халқлар билан урнатган муносабатлари (Х. Зиёев) қайд этилганда унинг бу соҳадаги айрим жиҳатлари тилга олинган, холос. Умархонни Амийрий тахталусиде шир сифатида тақдим этган «Девон»нинг сузбошида (муаллифи М. Қодирова) ёзилишича, «у мамлакатда осойишталик урнатшига ҳаракат қилади. Хонлик чегаралари ва савдо йўлларининг ҳафсизлигини таъминлаш мақсатида чоралар қуради, давлат арбоби сифатида хонлиқнинг қўшни давлатлар билан муносабати масаласига эътибор беради» (Амийрий. «Девон», Т., Фан, 1972) Хоннинг бу каби ижобий сифатларини баҳолаш баробарида унинг 1812 йили Русияга элчи юборгани ва бир йилдан сунг Русия вакили Ф. Назаровни қабул қилгани ҳам айтилган. Бу масалани изчилроқ урганган Н. А. Халфининг «Русия ва Урта Осиё хонлиқлари» китобида «1813 йилин 16 майда Русия императорининг топшириги билан Филипп Назаров бошчилигида юз туяга ортилган 200 минг сўмлик савдо қарвони хонга аталган совга-саломлар билан Қўқонга киргани қайд қилинган (Халфин Н. А. «Россия и ханства Средней Азии», М., Наука, 1974). Аммо Умархоннинг бу савдо қарвонио совга-саломларга муносабати ҳақида лом-ним деийлмаган. Биз Туркистонда бир йилдан ортиқроқ кезиниб, сунгра эса зарур маълумотлар билан уш юртига бориб етгандан кейин Ф. Назаров томонидан эълон қилинган «Осиё марказий қисмининг айрим халқлари ва ерлари тўғрисида қайдлар» китоби (Петербург, 1821) орқали бу қарвонини Умархон ҳушалай қаршилагани ва Русия элчиси қўйган талаб ва тақлифларга рози бўлмаганини ангаймиз.

Амир Умархоннинг Русияга бўлган муносабатини тўғри англашга ердан берган хорижий тадиқотларнинг бирида қайд этилишича, «Туркистон хонлари ичиде энг иқтидорлиси бўлган Амир Умархон қозоқ қулариде Туркистонга қараб одимлаётган рус қўшинига қарши муштажам Оқминат қалъасини қурдирган, Қашқарга даҳк сурган «хожалар»ни чинилар тасаллутидан қутқарган. Шунинг учун ҳам уш халқи томонидан гоят севилиб, «амир ал-муъинини» деб эълон этилган эди» (Б. Ҳайит. «Туркистон Русия ва Чин орасида», Истанбул, 1975). Шу каби хорижий тадиқотларда эътироф қилинишича, Русия 1813 йили «дипломатик мушваффақиятсизлик»дан сунг 1828 йилга қадар Қўқон хонлигира расмий элчи ва «илмий экспедициялар» юбормаган. Бироқ Қўқон хонлиги Марказий Осиёнинг дарвоза-

Бухоро амирлиги тарихида Қашқар улар тобеълигида бўлганини эслатиб, Қўқон хонлигира қарши исён уштирган эди. Бу даврда Усмолини давлати ва Бухоро билан дипломатик алоқа урнатиб улғурган Русия шимолдан хонлиқнинг чегара шаҳри Қизилжарияга (ҳозирги Петропавловск) таҳдид солаётганини ҳам мактуб орқали тушуниш мумкин. Хонлик учун сийсий таъглик вужудга келган бир вазиятда Умархон турк султониға элчи юбориш билан чекланмай уш тоғаси Қосимбекни ҳам унга шахроқ қилган. Табиийки, шарқоа одадта қўра халифами усмонға айрим совға-саломлар ҳам юборилган бўлиши мумкин. Шаҳид олимимиз Миён Бузрук айни мана шу даврга тегишли бир фактини эслатади. Амир Умархон Лугтони Маҳмуд II га бир мактуб

Амир Умархон таваллудининг 210 йиллиги

АМИР УМАРХОННИНГ МАКТУБИ



асосида «Мухаббатнома» исми бир маълума туздириб, Усмолини халифамига тортиқ қилиб юборган экан (Миён Бузрук. «Ўзбек адабиёти тарихига умумий қараш», Т. 1930). Ушбу маъжуанинг юборилган вақти билан мактуб санаси бир даврга тўғри келишини, Умархоннинг 1820 йили халифаликка бошқа мактуб юборганини инобатга олсак, ушбу маълума ҳам совға-саломлар қатори Қурбон афанди томонидан мактуб билан бирга юборилган, деган ҳулосаға келиш мумкин. Мактубнинг ниҳоятда таъглик даврда жунатилганини, унда баён қилинган фикрлар хонлик тадиқоти учун муҳим бўлиб, элчиларга тоғаси Қосимбек ҳамроҳ қилинган каби фактларни инобатга олсак, Қўқон хони Маҳмуд II га «вақинъаматим», деб муурожаат қилинишининг сабабларини ҳам ангаймиз. Мактубдан асосий мақсад гаю ва жиҳод учун маънавий кумақ сураб, мусулмон дунъсидаги жорий тартибга қўра, бунинг тасдиғи учун номаи аъмоил, туғ ва шамшир талаб қилиди. Бу талаблар халифалиқнинг «Анжумани шўро»сида мушокама қи-

линиб, тегишли қарорға келиниши ҳам эслатилади. Ушбу мактубға бизни халифалиқнинг муносабати қизиқтиргани ҳолда биз Маҳмуд IIнинг жаюб мактубига эга эмасмиз. Фақатгина Умархон номасини уш юқори қисмига ёзиб қўйилган ушбу сузлардан унинг муносабатини англаш мумкин: «Меним вазирим, ушбу нома, тақдир ва унинг таржумасини манзури Ҳумоюн мажлисида мушокама қилиб, хони муомилайнинг илтимосига қўра жаюб тақдир қилинсин ва элчиға 2500 қуруш олия берилсин».

Амир Умархон Сўровига Маҳмуд II нинг бундай муносабатини шарҳлаш учун турк олими М. Сарай уш китобида шундай бир ҳужжатдан парча келтиради: «Хутан, Хито(й) ва Кузгандан Қашқарға қадар бўлган ҳудуднинг ҳокими Саййид Мухаммад Умархондир. Бунинг гоёси гаю ва жиҳоддан иборатдир. (Бу йилда) Хитой кеферсининг идорасига тушган мусулмон аҳлисини даҳи қутқарган. Ифодасига қўра, бу машғулиятдан мақсади тарофи ҳуллофат ҳимоясига бир мактуб ёзган: Юборилган элчиси Қурбон афанди воситаси» билан-араэтилишидан ташқари уни алоҳида маҳрам сифатида тинглашини ҳам сураган. Мухолифатчиға қарши туғ ва қилч этишдир. Узини давлати олиянинг тобеъи улароқ англашларини хоҳлаган ва Қурбон афанди билан баробар уш тоғаси Қосимбекни ҳам юбормақддир... Буларнинг ҳаммаси — Қурбон афандининг тақдирлари, унинг таржумаси ва мактуб мажлисида қуриб чиқилди. Англашилшича, номи зикр қилинган Ҳўқанд хони бир нома, туғ ва шамшир истиғаидан ташқари Чин тарафидан-да андиша етмақддир. Бу хон уш тарафига икту юз минг кишилик бир қуч тулаганини, чиниларға қарши мушорабасининг зафарини дан сунгра русларға қарши мушораб қилишини зикр этди». Усмолини халифалиқини-

Ҳамидулла БОЛТАБОВЕВ, филология фанлари доктори

ШАВКАТЛИ, ҚАРМАТЛИ, МАҲОБАТЛИ, ҚУДРАТЛИ, ВАЛИНЪМАТИМ, АФАНДИМ, ПОДШОҲИМ!

Хито(й) ва Хутан тарафларида Дашти Қипчоқ Қузган (Фарғона) Замино ҳокими бўлган Саййид Мухаммад Умархон томонидан Саййид Қурбон афанди исми элчи белгиляниб, унинг орқали бу даъфа санийул манокйби мулконариға (мақталган ва файзли мамлакат, яъни Усмолини халифалиги томонига) форсий ибора билан бир қучином мурувуд этиб (битиб), унинг таржумаси орқали изоҳ қилинишича, Қузган заминдан сарҳад Қашгар ва диёри Кеш ва Дашти Қипчоқ тарафидан Туркистон ва вилоти Маско (Туркистон ва Зарафшон тизмаларидан Масчоҳ дарёсига қадар бўлган ҳудуд) борлунга қадар жами мамлакатлар ва шарҳлар хони муомолайи (номи қайд этилган хон, яъни Умархоннинг ҳукмати ҳайъати иштирокида бўлиб, унинг иштироки билан бошқарилади. Номанинг таъсилдан эзуру бўлишича, унинг сунгги нияти гаю ва жиҳоддан бошқа амал эмасдир. Бир (қанча) мулдуддан бери Хито (й) мулкнинг иштирокида бўлган қўша исломиянинг (Қашгар нагарда тутилган) истисноси унун воқеб бўлган жағ ва мушорабат дауининг мансур ва музоффер бўлгани (хабар бериб) ва мамлакатига Қизилжария (Шимолий Қозогистон, Петропавловск) уринлашган ҳудудда яқин ва қўшни бўлган Русия билан даҳи мушорабатдан холи бўлмаган муносабат тўғрисида шунга қадар тарафи ашрафи подшоҳларни (шаарфи подшоҳлик, яъни Усмолини давлати тарафи) нома тақдим этишга дастурэ (етишй) бўлимади. Ва узи ҳар на қадар олис масофада воқеб бўлиши эса-да, жониби жалилул

маротиб (улуг даражалик тарафларға, яъни Усмолини давлат)га мувовабат (қамтарлик) ва камол содоқат ва илох масулиятини фарз билиб, асли Ҳамдон қишлоқларидадан ва арбоби рушд ва саййидлардан бўлган муомолайи (қўриқда қайд этилган) Қурбон афандини дорусооадата (бизнинг тарафимиздан) масуль ва тасвирич бўлгани ва тақдирини унчалар ақиқ бўлмаган баъзи мақсадлар қосиди муомолайи тақдирини (шаҳри, талқини)дан маълум бўлишиға етказилди. Ушбу сония ҳақида макорими алоқ қозонса билан олия жаҳонбинларининг марҳуматидан мултмас (сураган, илтимос қилинган нарса) ва муназир бўлганимиз бир қўша номаи олия ва туғ ва шамшири сийий билан узининг муносабатини баён қилиб, бу билан мухолифларни муфтаҳир ва бизнинг масрур бўлмағимизни таъмин қилишини гиши иншо ва истиддо (илтимо)с этимам.

Бу номи зикр қилинган элчи сизга (номаинини етказиб), қитанинг тақдириндан қалима билдирган ҳозирги ҳолатда хони муомолайи иншо юз мингга қадар аскаро қилиб бўлиб, сунгра аркари асқоби жиҳодага мушамлик улороқ зоти шавкати ҳуллофтануотини сизд ва убултиқотини илтизом (лозим) бўлимоқ этарлар. Фоида дастимоғи соадат келтирилмағига биноан даҳи номи маълуми олий бўлиғи билан узининг давлати олими исломия (яъни Усмолини давлати)га тобеъ экани амалга олиб, фахр ва рифъат (қосаблиқимизнинг боиси) билан тарафи фоииз уш-шаарфи тоҳдороналардан бир қабзани шамширининг нийзи махсусий бўлишиға бююрлиб ва зи-

риш (қўрсатма) берилса ва унинг таржумаси қосиди маркум (қопир элчи)нинг тақдирини билан бир муътад (уртада, марказий) мажлис бўлган анжуманини шўрода қилиб, музокара қилиниб, хони муомолайининг номаси ва қосиди маркумнинг тақдирини жониби салтанати сонийдан (юқори салтанат томонидан) номаи Ҳумоюн ва туғ ва бир қабзаи шамшир ирсол ва эҳсон сифатида бююрлиғини талаб ва истиддо қилади. Давлати олиянинг муштасиф (таъсифланган) бўлган шунинг шавкату жалолати (улугворлиги) тўғрисида бу иноят ва маҳрамат олашмул бўлмағи унун хони муомолайининг бу мултмаси, яъни туғ ва шамшир тақдир унун эса ва таржи-май тақдир мазкурға эътибор қилинмаса, хони муомолайи бул диёрнинг ҳумдори бўлишиға қарамасдан Бухоро мамолиқиндан бўлган эмураи мутағаллиба (зуравонлар тўдаси) Ҳўқанди забт этиш ва даҳи Қашгар вилотиға таъсадиб бирла муҳолафада бўлур. Бухоро ҳокимининг (бундай) мухолиф ва муориз (рақиб) ва тортишмаган томон) бўлмагидан масуль бўлган (хони муомолайи) номаи Ҳумоюн ва туғ ва шамшир мусоада (ердам, кумақ) унун бююрлиши лозим эканини суради. Ушбу иштфотини сарришлан кумақдори бўлган давлати олиянинг сунҳи (қарори) билан ушбу масалатини тарвеж (ривожлантириш) қилмоқ учун Бухоро тарафи ила машғул бўлиғи ва Бухоро аҳли ислом бўлиб байнул муслимин (мусулмонларо) қитол ва жидол (урш ва жанжал) воқеб бўлмағини олди олиниши мулоҳаза қилинса. Хони муомолайи нома-сида воқеб бўлган ишоратта қўра унинг қаламарини (қўл остидаги ерлар)нинг бир тарафи Русия ила қўра ва жевар (яқин ва қўшнидир). Вазият тақозоси билан узининг Русия ила даҳи мушорабаси даркор бўлса, ҳозирги ҳолатда давлати олия Русия ила

Сана: 1325, Зулҳижжа 2. (1820 йил, 9 феврал)

Ҳамидулла БОЛТАБОВЕВ, филология фанлари доктори



Ҳамид ҒУЛОМ

## ЖОНИМСИЗ

(Ғазал)

Айтинг, маъшуқалар шохони, кимсиз?  
Нечун индамайсиз? Не учун жимсиз?

Мен бир куш, мен булбул ноладан сармаст,  
Сиз ғамгин танимда қайноқ жонимсиз.

Ҳаётим боғисиз, ишким баҳори,  
Умримда энг ширин асал онимсиз.

Фариштам, ҳаёлим васлингиздан маст,  
Мастликда тўқиган ишқ достонимсиз.

Кимсиз, айтақолинг, қулингиз бўлай,  
Маликам, султони, хон, хоҳонимсиз?

Яшадан маъно йўқ сиз билан айру,  
Ҳаётим, муродим, шараф, шонимсиз.

Номим ўчиб кетар сиз унутсангиз,  
Сиз дилда тутсангиз — давр, давронимсиз.

Битта фариштага минг Ғулом даркор,  
Биринчи Ғулом мен, сиз султониимсиз.

## Назармат

## САҲНАДОҲИМ

Киндик қоним тўқилган жой, бедорсан,  
Еллар сенинг тарихингдан сўз очар,  
Боболарнинг азм қоридан ёдгорсан,  
Ҳар заррангда улар қалби кўз очар,  
Ниғоҳларга нур берган руҳ, она ер,  
Гул ундирган яратилган чоғидан,  
Нур кўксидан сут бериб у этган эр,  
Канот ёзган юртга бахт кучоғидан,  
Бахт деган у фидойилик, жасорат,  
Жангоҳларда бўлган бурчининг марди у.  
Мардликни айлаб меҳру садоқат,  
Элнинг дарди бўлган ҳаёт дарди у.  
Унутмайди эрк мардларин кенг олам,  
Чунки улар йўл бошлайди икболга.  
Элим, ахлинг бино қурган уюшиб,  
Зар ҳоқингда бирга чаман яратган.  
Биродарлик пойдеворин кўйишиб,  
Улар бирга буюқ Ватан яратган.  
Элим, сени азиз тутар, шунданми  
Ҳар заррангда фарзандларинг азми бор,  
Мангу муҳр эрур кўйган қадами,  
Унутилмас улар тўққан қон ҳеч бор,  
Ватан меҳрин юрак асрар азалдан,  
Эъозлаган билур суяклигини.  
Унутса гар юртин, ўша маҳалдан  
Йўқотади ўзлик, буюклигини,  
Инсон асрар эрки билан дунёни,  
Ватан унга мангу она ва падар,  
Рози этса кимки ота-онани,  
Унинг ҳаёт йўли бўлмай мунаввар.

Чоршамб

## БОРИМИЗ ИШҚУ МЕҲР

Борми бу олам аро бизни  
суйган зор ёр,  
Йўқми ё мотамсаро  
биздин куйган хор, ёр.

Бўлса садқа этгумиз  
боримиз ишқу меҳр,  
Йўқса бизга то абад дунё  
эрур тор, ёр.

Келса кўнгил очилиб  
хасталик бўлмай ёт,  
Келмаса сочғуси тун  
мисли захрин мор, ёр.

Сўзласа сўз дарди бор  
воз кечиб бўлмайди ҳеч,  
Сўзламай турса дегаймиз  
сақлагай ор, ёр.

Тингласа кўнгил бўшаб  
кечалар юмшар бағр,  
Тингламас эрса биза  
тортилғуси дор ёр.

Кетса гар кетгай умр  
қайтмай то маҳшаргача  
Кетмаса Чоршамбга бу  
борлик бўлур бор ёр.

**ДАРДИНГИ АЙТ  
ХУДОГА**  
Сигмай қолсанг дунёга  
Дардингни айт худога.  
Дуч келдингни рўёга  
Дардингни айт худога.

Сен бир ожиз бандасан,  
Хоҳ кибор, хоҳ жандасан,  
Бўлмайин шарманда сан  
Дардингни айт худога.



Ёлғиз бир у ёрлақар,  
Ҳидоятга чорлатар,  
Баҳо бўлмай тавбалар,  
Дардингни айт худога.

Айтмасанг ҳам билар у,  
Сабру тоқат тилар у,  
Синоатлар қилар у,  
Дардингни айт худога.

Сўнг ўзингга қайтилур,  
Умид инур, ишқ инур,  
Сен билмассан, у билур,  
Дардингни айт худога.

Ва сигарсан дунёга,  
Иномассан рўёга,  
Етишгайсан фанога,  
Дардингни айт худога.

БУХОРО «ЁР-ЁР»ЛАРИ  
ОҲАНГИДА

Ички уйнинг зулфини  
Тушганмикин, ёр-ёр.  
Хаёлингиз биз томон  
Учганмикин, ёр-ёр.

Учган бўлса бағрима  
Киргаймикин, ёр-ёр.  
Кириб сира чиқмайин  
Юргаи микин, ёр-ёр.

Юрар бўлса ёнида  
Юрагим бор, ёр-ёр.  
Юрагимда яширин  
Тилагим бор, ёр-ёр.

Тилагимдан тўйдирди  
Ташқи занжир, ёр-ёр.  
Ташқи занжир билан-ку  
Умрим банддир, ёр-ёр.

Банд айлади бандалик  
Киролмасман, ёр-ёр.  
Кирсам чиқмас эдим деб  
Туролмасман, ёр-ёр.

Турмоқликни худоим  
Оз берибди, ёр-ёр.  
Оз бўлса ҳам куйла деб  
Соз берибди, ёр-ёр.

Ёр-ёр айтиб юрагим  
Яро бўлди, ёр-ёр.  
Ички уйда ёрим ҳам  
Адо бўлди, ёр-ёр.

Ички уйнинг зулфини  
Тушганмикин, ёр-ёр.  
Хаёлингиз биз томон  
Учганмикин, ёр-ёр.

Шариф Нурхон деган шоир бу олам-  
дан ўтишидан олдин «Улсам кафтимга  
данақ кўйиб кўминглар, токи бир куни  
қабрим тепасидан мевали дарахт кўка-  
риб чиқсин» деб васият қилган экан, то  
хануз бу гапни ёзувчи дўстларим эслаб  
юришади.

Шариф Нурхон боғбон-шоир эди. Ле-  
кин «бу дунё билан хайрлашиш» осон  
кечмаса-да, ўлганидан кейин ҳам ўз хо-  
қи тепасида дарахти унишини орзу қи-  
лади. Қабр тошим дарахтим бўлсин  
дейди. Кимдир ундан баҳра кўришини  
истайди.

Дехқонбод туманида бўлганимда йўл  
кўрсатувчимиз Панжи ака Тангриев Қо-  
дир бахши ҳақида қизиқ бир воқеани  
айтиб берди.

— Мен у кишини танирдим, — дедим.  
Шу пайт янги меҳмонлар кела бош-  
лаб қолган суҳбатимиз бўлинди. Мен  
эсам Панжи ака айтиб берган воқеани  
ўзимча кўз олдимга келтира бошладим.

...Қодир бахши эрталаб туриб туғи-  
либ ўсган қишлоқ кўчалари бўйлаб юр-  
ди. Лойсувоқ томларгаю ҳашаматли  
уйларга тикилди. Болакайлар унинг ол-  
дидан салом бериб ўтиб кетишди. Си-  
гир етаклаган, кўрасидан подасини  
ҳайдаб чиққан ҳамқишлоқлари бахшига  
узқондан разм солиб, дала, қир сари  
йўл олишди. Қайси бири кўлини кўкси-  
га қўйиб, ярим эгилди. Шошаётганла-  
ри, ўзимизнинг Қодир бахши-да, деган  
ўйда унга эътибор бермай кўзлаган  
манзили сари юрди.

Қодир бахшининг улар билан иши  
йўқ эди. У хар бир йўловчига кўз қи-  
рини ташлар, томларга, паҳса девор-  
ларга боқар, юрагининг аллақаварида  
«хайр энди» деган нидо бот-бот овоз  
берар, бу овоз лаблари учидан учиб  
чиқарди: «Эй туғилган ерим. Қишлоғим.  
Қариндошим, танишим, кўшим. Ҳой,  
болалигим ўтган тупроқли кўчалар! Ҳой,  
ғамирлаб бораётган кўю кўзилар! Ҳой,  
кечга қараб косамни оқартираман деб,  
ўз арқонига бўйсунмай бораётган гов-  
мушим. Хайр, эртага кўришолмаймиз.  
Хайр, ҳой қишлоқдан чиқиб бораётган-  
лар. Баринг рози бўл. Рози-ризолик  
бер ўлганга, ҳокисор бахшингга.

— Хайр энди.—  
Кулоғи остида бу нидо такрорланди:  
— Хайр энди».

Ҳамқишлоқлари унинг қишлоқ атро-  
фини айланиб юрганини кўриб, бахши  
сайр қилгани чиқибди-да, деган ўйга  
боришди. Ўзларининг кунда кун ора қўл  
олиб юришган Қодир бахшиларини-да,  
Ўзимизнинг деган сўз нақадар чи-  
ройли.

Ўзимнинг фарзандим. Ўзимнинг элим,  
Ўзимнинг Ватаним. Аммо баъзида ўзи-  
мизники деб безътибор қолишим бу-

нинг акси бўлади. Ўз юртингга — ўз гу-  
зарингга бориб қолсанг, хешу табо-  
рингни қўябер, кўни-қўшининг ҳам буёқ  
ўзимизники деб бошқалар олдида мақ-  
танмоқчи бўлади-ю, кейин сен билан  
иши бўлмайди. Қодир бахши ҳам бу  
ҳолни бошдан кўп кечирди. У ўз қиш-  
лоғида ўзиники, қишлоқдан чиқиши би-  
лан элиники бўлиб яшади.

— Хайт, — деб кўйди шундай пайт-  
да, — аканг қарагай, эл дардига яра-  
гай.

Қодир бахши ҳозир қишлоқ айланар  
экан бехосдан ўйлаб кетди.

Ажойиб, меҳнатқаш ҳамқишлоқлари  
бор-да. Даласидан унмаса, чорвасидан  
унади. Яхши-да. Арзи-ҳол қилиб юр-  
майди. Ўзини-ўзи боқади. Тўй қилади-  
ми, меҳмон кутади-ми, дастурхонидан  
гўшти-ёғи аримайди. Чорвангни кў-  
пайтир, халқим.

Сафар БАҲНОЕВ

АЛПОМИШ  
АВЛОДАРИ

Қодир бахши қишлоқдан чиқиб тоғу  
тошлар томон одимлади. Қанотини кенг  
ёйиб қоялар, кўнғир харсангларни  
сийлаб-сийпалаб, турли-туман гиёҳлар  
баргини юлиб, бармоқлари орасида эз-  
гилаб «Хайр!» — деб кўйди.

**Хайр, эй, тоғу тошлар,  
эрта кўришмоқ маҳол,  
Бугун менга насибдир,  
эрта туришмоқ маҳол.**  
Қодир бахшининг юраги тошиб кела-  
верди. Кўмилиб ётган ғайрати шошиб  
келаверди.

**Қодирмидим, бормидим,  
тингланг сўнги нидойим,  
Сизни омон сақласин,  
тоғу тошим, худойим.**

**Бойбўри, Бойсарилар юрган  
йўллардан юрдим,  
Гоҳ чашмадай тиникдим,  
гоҳи чўллардан юрдим.**

**Дўмбиранинг сасидан  
Алломишлар уйғонди,  
Рустаму Авазхон,  
Кунтуғмишлар уйғонди.**

**Бешикдаги чақалоқ,  
мудроқ кушлар уйғонди.  
Уйғонди-ей орзулар,  
чала тушлар уйғонди.**

Қодир бахши харсанг тош остидан  
сизиб чиқаётган булоқ бошига бориб  
чўкди. Юз-қўлини ювиб, белбоғи билан

артинди. Сўнг милдираб қайнаб чиқаёт-  
ган булоққа тикилганча жим қолди. Ат-  
рофига аланглади.

Кеча эди. У мана шу тоғу тошларда  
юриб, қўй-эчки боқарди. Ана шу булоқ  
сувидан тўйиб-тўйиб ичарди. Умр ўта-  
верар экан. Энди бу ерларга кам кел-  
лади. Аммо подачи болалар, поданинг  
изи ўзилгани йўқ. Тоғ ўша. Қиррали  
қоялар ўша. Тўғри, баъзиси думалаб,  
жарликка кулаб тушган. Ҳў пастда дўп-  
пайиб, сув йўлини тўсиб турибди.

У булоққа энгашди. Сувда жимирла-  
ган акси кўринди. Бахши бошини са-  
рак-сарак қилди.

— Булоқжон, сен билан хайрлашгани  
келдим. Унинг хаёлида булоқ суви бир  
қарич кўтарилгандай бўлди.

— Қаёққа?  
Шу дақиқада қаёққа деган сўз тоғу  
тошлар орасида акс-садо берди.

— Қаёққа?

— Қаёққа?

Қодир бахши ўрнидан турди. Пастга

қараб йўрғалади.

— Кет-ма!

— Кет-ма!

Унинг изидан қақирок, нола эшитил-  
гандай бўлди.Қодир бахши атрофини ўраб турган  
тоғларга қараб овозининг борича  
хайқирди.— Хей, тоғу тошлар. Хей, Алпомиш  
юрти... рози-ризолик тилаб келдим.  
Хайр...Бир муддат тоғу тошлар, пилдираб  
оқаётган булоқ жим қолди.Қодир бахши эса ҳамон пастлаб бор-  
арди. Мана у сўқмоқлардан қутулиб,  
катта йўлга чиқиб олди. То у қишлоғи-  
га кириб боргунча жим турган тоғу  
тошлар узара бирдан:— Кетма, Бахши, кетма, — деган са-  
до гулдураб турди.Қодир бахшининг айтмоқчи бўлган  
сўзлари қуюлиб келаверди.**Яхши-ёмонлигини  
яширган, она элим,  
Оғир кунда завқимни  
тоширган, она элим,****Кўлга олсам дўмбирам  
сабри чидамай гоҳи,  
Тезроқ айтгин, бахшим, деб**

шоширган она, элим.

**Ҳайронага чиқдим мен,  
сайрона бўлиб кетай.****Гиёҳимга, майсамга  
парвона бўлиб кетай.****Хизматинг қилолмаган  
кунларим бўлса агар,  
Розилик бор, йўқса дил  
вайрона бўлиб кетай.**Бахшининг бу сўзларини ўзидан бош-  
қа кимса эшитмасди. Изидан қолган  
излар эса бирдай шивирларди:

— Кетма, Бахши!

— Кетма, Бахши!

Унга жавобан Қодир бахши бу сўзни  
айтди.— Мен-ку кетарим аниқ,  
бахшисиз қолмагайсиз.**Алломишим бор деган,  
яхшисиз қолмагайсиз.**

Қодир бахши осмонга қаради.

— Хайр, ҳой тиниқ осмон! Хайр, ҳой  
бобо кўёш!..

\*\*\*

Эртаси куни от чоптириб, дўмбира-  
сини сайратиб, давраларни яйратиб  
юрган Қодир бахшини юртдошлари чў-  
бин отга миндириб қишлоқдан олиб чи-  
қиб кетишди...

\*\*\*

Менинг суҳбатга қўшилмай, узоқ ўйга  
ботганимни кузатиб турган Панжи ака  
ёнимга келди.— Шуйтиб, шоир ука, бахшимиз ана  
шундай назарканда одам эди.Юртини, элини суйган одам ҳадеган-  
да улардан кўнгли узоқламайди. Сўнги  
нафасигача бирор қори ҳолига яраб қо-  
лай дейди. Бунинг устига суйганинг  
шоир ёки бахши бўлса-ку, гап йўқ...Яхши одамлар ука, рози-ризолик билан  
юзини ёруғ қилиб бу дунёдан кетади...

Дастурхонга дуо ўқилди.

Узоқдан қулоғимга дўмбиранинг ово-  
зи чалинди. Ўша томонга қарадим. От  
устидан навқирон йигит дўмбира чалиб,  
хониш қилиб келарди. Бу Қодир бах-  
шининг ўғли эди...Орадан анча-мунча сувлар оқиб ўтди.  
Қодир бахши юрган йўлларидан янги из-  
лар пайдо бўлди. Бу хайрли излар эди.Юртдошлари бирдан уйғонди. Қодир  
бахши нигоҳи тушган майсалар, тоғу  
тошлар, булоқлар қайта суянгандай  
бўлди. Эл суйган бахшининг олтмиш  
йиллиги туманда кенг нишонланди. Ту-  
ғилиб ўсган қишлоққа унинг номи бе-  
рилди. Қабри таъмирланиб, хотира лав-  
ҳаси ўрнатилди. Сўнг...Сўнг Алпомиш боболарининг ҳам не-  
ча ёшга кирганлигини эслаб қолишди.  
Минг йилдан ошибди...Қодир бахшининг уч ўғли дўмбраси-  
ни кўтариб, эл орасига кириб келди.  
Улар Қодир бахшининггина эмас, Алпо-  
миш боболарининг ҳам зурриёдлари  
эди.КИРМОЧ ЕГАН  
ҚИЗГИНА

Ёмғир ёғди тўйингда,  
Қирмоч еган қизгина.  
Осмон каби кўйингда  
Йиғлаб қолдик бизгина.


Ял-ял ёниб яшнадинг,  
Яноғинг-эй лоламу?  
Бағрини қон айладинг  
Сени севган болани!

Янгради-я ёр-ёр-а,  
Ёрилмади ерлар-а?  
Вафосизни, дилдора,  
Айт-чи, нима дерлар-а?

Тош ёғса ҳам тўйингда  
Турар эдим тоғ бўлиб.  
Айланагин бўйингдан,  
Бағрим кетди доғ бўлиб.

Тўйхонадан чиқиб-эй,  
Йўлларингда ботдим-ку.  
Чақин тўла осмонга  
Юрагимни отдим-ку.

Ёндир деб-о, куйдир деб,  
Чақмоқларга йиғладим.  
Сендан айро этган бу  
Дунёсига сигмадим.

Туроб НИЁЗ  
ДУНЁМИЗНИНГ  
БАХТИ ХўП  
КУЛМИШ

Менга раҳм қилмагай ёр, олмагай  
ардоғига,  
Минг куйсам ҳам фироқиди, минг  
куйсам ҳам доғиди.

Билса эди у менга қанчалик  
азизлигин,  
Алишмайман соч толасин хатто гавҳар  
тоғига.

Ёр айтган барча шартин қабул  
этарман тўқис,  
Ташламаса бўлгани хижроннинг  
ўчоғига.

Ёр билан қайга деса розиман  
бормоққа ҳам,  
Таклиф этса парилар борман Эрам  
боғига.

Ёр нечун ишонмайди, қилади бекорга  
рашк,  
Ё қоврилсун дейдим у Туробни ўз  
ёғига?!

Кўзларингга термулмоқ мумкин,  
Тунда кўкка термулган каби.  
Қора сочинг хаёлдай узун,  
Мўъжизадир қизғалдоқ лабинг.

Сенга кўзи тушсаю бироқ,  
Тош қотмаса хайратдан шу он,  
Ундай одам севгидан йироқ,  
Гўзаллик не билмаскан ҳамон.

Яхшиямки гулларда кўз йўқ,  
Куйишарди йўқса ҳасадда.  
Яхшиямки гулларда сўз йўқ,  
Кўмишарди боғни ҳасратга.

Ниҳоятда сахийлик қилмиш,  
Бу табиат сенга келганда.  
Дунёмизнинг бахти хўп кулмиш,  
Не бўларди сен бўлмаганда...

## ШОИРЛИК

На унвондирсан, на бир хунарсан,  
Қийноғу азобдир турган-битганинг.  
Агар танга кирсанг қон-ла кирарсан,  
Қўли етмаса сенга баъзан мингтанинг.

Дарвишлик эмассан ёки телбалик,  
Сен ҳақпарастлик, ҳаққа қалқансан.  
Сенга беғонадир ором, танбаллик,  
Бедор юраклардан мерос қолгансан.

Номингни оқлашга кўзи етмаган,  
Олмагани яхши қўлига қалам.  
Кимгадир чўққисан — забт этилмаган,  
Кимга эса манзил — юрса бир  
қадам...

## ОБРЎ

Обрў худди билимга ўхшаб  
Йиғлади йиллаб, бир унр.  
Умримизни десак гар оқшом,  
Обрў уни ёритувчи нур.

Обрў бошга кўнган қуш — бахтдай  
Шай туради учмоқ ҳасадда.  
Япроғини тўққан дарахтдай  
Тўқмоқ мумкин уни бир пасда.



Сирожиддин САЙИД

БОЗОР ИЖОДИЁТИ

Бандаларини гафлат уйкусидан уйготгани учун Худойи карим хурозни яши қураб экан. Хурознинг бозор иқтисодиётига нима алоқаси борлигини ҳозир айтман. Тирикчиликнинг айби йўқ дегандай, бир укамиз уч-тўрт йилдан бери хуроз боқадим. Кишини писанд қилмайдиган, кеккайган, калондимоғ, курсангиз ваҳимангиз келадиган дақанлари бор. Узун, кўтир буйниларида бир пати йўқ қил-қизил хурозлар. Яқинда шуларнинг бирига харидор келиб, уч минг сумга оламан деса бермабди. Бевормайсанми, десам, «Ака, доллар ошиб кетяпти» дейди. Ханузгача долларнинг хурозга нима дахли борлигини тушунолмай гарангман.

ди. Харидор — қадду қомаги келишган, пурим йигит молнинг эгаси — қуриниши, чориги чакмонидан тоғлик эканлиги билиниб турган амакига «Тога, молнинг пулини долларда берсам қандай?», деди. Амаки бу гапга аввал унча тушулмади. Пича талмовсиради. Ёнидаги ёшроқ шериги (тоғлик ўқитувчи бўлса керак) гап нимадалигини айтгандан кейин, амаки оёқ тираб туриб олди: — Э, ука, дуллар-пулларнинг куйи, берсанг узбекнинг сумидан бер менга, у кўкинги мен кўкимага ураманими? Дунеда нима кўп, гурунгу кўп, суҳбат кўп. Ҳозирги гурунгулар ҳам бозорга ўхшайди. Савдо-сотик, нарх-наво, гушт

унча, гуруч бунча. Сурхондаги гурунгулардан бирида чўпонсифат бир киши мароқ билан бундоқ ҳикоя қилиб эди: — Тошканинг Тезак бозори (Тезиков бозорини айтмоқчи) бор экан. Эҳ-ҳа, айлансангиз ҳамма нарса бор-а! Уйидаги миҳни ҳам, тигни ҳам обчиқиб, ёйиб қуйибди-я. Одамзоднинг ашқол-дашқолими кўп экан-э, даққиюнсудан қолган қошиғу чумич дейсизми, бо-вазининг телпагию момасининг кавушигача сотиб ётибди-е! Бирови мушукни силаб утирибди, яна бирови қайси гурдан тутиб олган оқ сиқонини мақтаяпти, биттаси бундубосар бир итни эллик минг сум деб турибди. Аммо лексин ити зур экан. — Шоирлар нима қияляпти

тақсир, шоирлар? Охирги савол, табиийки, менга, бизга қаратилган эди. «Худонинг берган ризқи-да», деб қўя қолдим. Лекин... Қизиқ-да, бозор иқтисодиёти бир ажойиб элак бўлдики, баъзи аҳли қаламда ижодкорлик қобилиятидан кура, тожирлик салоҳияти устун эканини намён этди-қўйди. Шоирларнинг дўкони бор, ёзувчиларнинг расталари бор, нуфузли кўл телефонларда нуфузли фирмалар билан музокара олиб бораётган «адиблар»ни курсангиз. Ҳамма нимаидир сотаяпти, ҳамма нимаидир харид қияляпти. Яқинда Берди Раҳматни қуриб қолувдим, «Қаердасиз?» десам, «Ипподромдан» дейди. Китоб савдосида ҳам бо-

зор қониятлари уз таъсири-ни намён этаётир. Шеърини китоблар ҳақда гап кетса, дейлик, Сурхондарё вилояти китоб савдоси бошқармасидагиларнинг сочи тиккаяди. «Шеър кетмайди!» дейишади. Ҳолбуки, Сароисийё ёки Бойсун туманидаги китоб дўконлари ҳувиллаб ётибди. Устозларимиз Эркин ака, Абдулла ака, Ҳалима опа ёки Омон Матжон китобларини, ёш шоирларнинг тўпламларини сураб, истаб юрганлар сон мингта! — Менга қаранг, — дейди бир адабиёт ўқитувчиси, — радио-телевизор шунча гапирди, шунча артист шеърини ашула қилиб айтди, шу Муҳаммад Юсуфнинг биронта китоби чиққанини ўзи?

Шеърят харидорлари камайиб кетаётганини билибми, юпанч истабми, овуңч кутибми Усмон акамиз (Усмон Азим) насрга шунгиз кетди-лар. Ишонмасангиз, «Муштум»даги давомли босилаётган хажвий қиссасию «Тафаккур» журналининг 3-сонида чоп этилган «Узоқ хайрлашулар» жиддий қиссасини ўқинг. Гоат гаройиб ва ажойиб! Узимга келсак, бизнинг авлодда савдогар бўлмаган. Раҳматли отам бир замонлар зур, чопагон эшагимизни Регар бозориде етти сумга сотганларини ҳамон қулишиб эслаймиз. Яъниким, менадан ҳам савдогар чиқмайди. Хуллас, мен шунча йиллар «Бозор иқтисодиёти» деган сузга қофия бир бор:

излаш билан машғул бўлдим. «Бозор ижодиёти» туркуми шу тариха вужудга келди. Андак ҳазилнамо, андак дардчил, бироз ғамгину, бироз кулгили сатрлар, баъзиси нуноқ, айримлари тумтоқ байтлар замондошларимизга огир ботмас деган умидим бор. Ҳаммангизнинг бозорингиз бароридан келсин, биродарлар! Менинг биттагина кўҳна, гоҳи тор, гоҳи кенг дўконим — кўнглим борки, унда ҳеч нарса сотилмайди, шунча йиллар озгина меҳру озгина соғинч ва яна тўрт-беш узук-юлук байтдан бошқа ҳеч матоҳ топмадим ундан. Бунинг учун ҳам маъзур тутгайсизлар. «Шоирлар нима қияляпти?» деб савол берган амакига эса шеърини жавобим бор:

ШАКАРОВ, АММО ҲАММА ЁЗГАНЛАРИ ҲАМ ШАКАР ЭМАС

Йўқ, биродарлар, сарлавҳанинг сифат масаласига мутлақо алоқаси йўқ. Бугун элликбайлар сафига қўшилаётган ҳамкасб дўстимиз Норбобо Шакарв тўғрисида хар қанча ширин, мазали сузлар ёзишимиз мумкин. Чунки у танлаган касбига хар қандай шароитда ҳам содиқ қолиб, муҳбирлик қаламини йилдан-



йилга, кундан-кунга чарҳлаб келаётган заҳматқаш журналистларимиздан. Ҳозир газетачилик тўғрисида гап кетганда «Э, газеталар қиммат бўлиб кетди, э, одамлар газит ўқимай қуйишди» дейдиганлар оз эмас. Норбобо худди шунақа кайфиятдаги ўкувчиларга ўқийгандай, одамлар нега газетани ўқимай қуйишганини аниқлашга, матбуотга улар меҳрини қайтадан оширишга бел боғлаган қаламкашлардан. Баъзи ҳамкасбларимизга ўхшаб, нуқул бир мавзу, бир депара атрофиде айланавермайди — са-ноатдан ҳам, қишлоқ хужалигидан ҳам, халқимиз ҳаётининг турли қирраларидан лаваҳалар, тадқиқотлар ёзади. Энг муҳими, Норбобо Президентимиз Фармонлари, ҳукуматимиз қарорлари жойларда қандай ба-жариллаётгани, мансабдорларнинг ўз вази-фаларига муносабати билан жиддий қизиқади. Бозорлар, расталар, савдо шаҳобчаларини эринмай айланиб, баъзи маҳсулотлар нега тақчиллигини аниқлайди. Камчиликларни курса танишми-нотанишми, ҳаваскор тижоратчиме ё пихини ёрган муғомбир тул-лакми аяб утирмайди. Шунинг учун ҳам, юқорида айтганимиздек, унинг гоҳи ёзганлари, ҳатто шакар тўғрисидагиси ҳам, шакар эмас — аччиқ ҳақиқат. Ёзадиган пайт келди, асло бушашманг, Норбобо!

«УзАС»чилар

Жуда қизиқ бу дунёда рафторлар: Пул аҳли ҳам, дил аҳли ҳам бедорлар. Парво қилма алдасалар гаддорлар, Хўтик бўлиб турганлар той бўлмас.

Бир манзилга етдик биз. Шаҳарким, бинолари Чин қасру кўрган экан. Бир томони дарёю Бир томон ўрмон экан.

Иштонсиз жўнатаман. Билдикки ишларимиз Тамом расво, пачава. Жуфтакини ростлаш керак, Кетдик, темир арава!

Тақдирга тасаннолар Айтиб келдик, ёронлар. Энг муҳими — соғ-омон Қайтиб келдик, ёронлар.

Билагузук янглиғ беш-олти газал. Ошу нондан иборат эмас рўзгор, Бул ҳақда ҳам топиб берай кўп масал.

хуш ҳаёлинг йўқ. Тамоми ёшу кекса машғули савдою сотикдир. Агар сен ҳам сота билсанг, демакким, ҳеч саволинг йўқ.

Сотарлар уйни, ховлини, улусни, ўзни сотгайлар, Малолдирсан бу савдолар аро, лекин малолнинг йўқ.

ЎРСИЯДА ПИЁЗ СОЎП-АННИМИЗ

Мақсадимиз тижорат, Мирзо Анвар ҳайдовчи. Йўлга чикдик тўртовлон — Мен, Турсунбой ва Хожи.

Боболар хар йўригда Ҳикмат айтиб кетганлар. Ахён-ахён сафар ё Саёҳат қил деганлар.

Бундай пайтлар минг хил ўй Келаверар бошинга. Хуллас, йўлга чикдик биз Пиёз ортиб мошинга.

Ўзимизни ўзимиз Солибдирмиз жазога. Тақдир бизни дуч килди Рома отлиғ балога.

Ҳикмат шулким: бўлсин ўз Юртингу ўз бозоринг. Ўлсанг ўз юртингда ўл, Шунда бўлғай мазоринг.

Буниси деди: аввал Ковунларни сотайлик. Иккинчиси айтдики: Совунларни сотайлик.

Сотинглар, деди даллол, Аввал тахта, гиштларни. Иккови рўқач қилди Этик ва калишларни.

Гузарлар, кўча-қўйлар растаю дўкон эрур, сен ҳам Ажиб дўкон очибдурсан, кўнглидан ўзга молинг йўқ.

Бунда гала-говуринг йўқ қиёси, Хар хил ҳосил талашади жой ва ранг.

Жаҳон кулади

Телевизорда футбол бўйича кубок уйинларининг финал учрашувини кўрсатишарди. Кўшни эшикни тақиллатди: — Сизникида телевизор курсам майлими? — Майли, нима, ўзингизники бузилиб қолдими? — Йўқ, уйимизда ёнгин бошланиб қолди.

— Анави чап қанот ҳужумчига дурустроқ ўйнаши учун иккита нарса етишмапти-да! — Нима экан у икки нарса? — Бош билан оёқ.

Битирув кечасидан кейин ота деди: — Мана, углим, катта йигит бўлиб қолдинг. Энди чексанг ҳам майли. — Раҳмат, дадажон. Чекишни ташлаганимга икки йил бўлди.

Ёнгин бошланиб қолди

Узоқ Шарқда яқин қариндошинг бўлгандан кура яқин Шарқда узоқ қариндошинг бўлгани яқини.

— Сизда «Қандай қилиб уч ойда бой бўлиш мумкин?» китоби борми? — Бор, жаноб. Аммо унга бошқа бир китобни қўшиб олишни маслаҳат берибдим.

Эр хотинига деди: — Биласанми, яқинда қизимизнинг кундалигини куриб озгим очилиб қолди? — Нима, «икки»-лари кўп эканми? — Йўқ, у тўртинчи синфда ўқир экан-а?!

Ўргилай

«Шарвон ҳолининг ДАН ходими бўлмиш ўз набирасига дегани» Тартиб посбонисан ўзинг, ўргилай, Форманг бор — бурро хар сўзинг, ўргилай.

Тўхтар ишоранга «лубой машина», Бирок, олма терар кўзинг, ўргилай, Маошинг етарли, аммо наст кетиб Гоҳида дермишсан «чўзинг...», ўргилай.

Чўзмаса, қасдланиб қийнар эмишсан, Қандай чидар бунга юзинг, ўргилай. Аждоғимиз ҳазар қилган текиндан, Эсингиз йиғ, топиб тўзим, ўргилай. Қайтмасанг бу йўлдан, шу ҳассам билан, Киритарман инсоф ўзим, ўргилай!

Хисобни очдик аста, Мезбонлар сезишмади.

Бешта уриб қўйсак ҳам Пинакни бузишмади. Учрашувинг иккинчи Яримдан кўрқкан эдик — Хайриятки, хурматлаб Бизларни эзишмади. Уйингоҳга тўпланган Халойиқча офарин — Мазасиз, матрасасиз Уйиндан беэишмади. Жуда босиқ бўларкан, Бу ўзбек деганларин — Уйин расво бўлса ҳам Биттаси қизишмади... Қани, қайси йўлда айтатганики ашуласини, Маммуржон Узоқовга тақ-

ФУТБОЛ ДУРАНГ ҲАМ ҲОЛВА ЭКАН...

Утган сонда футболчи йигитларимиз японияликлар билан дуранг ўйнашганда бекорга койинган эканмиз. Койинадиган одам, мана энди, койинсин. Хар қанча койинса ҳам оз. Дарвозамизга киритилган беш тўпнинг хар бирига алоҳида қасида бағиш-лаш мумкин. Мана, битта ишқибоз, хотини аввалги уйиндаёқ кетиб қолган экан, аламини кимдан олишини билмай, қуриялик голиб футболчилар тилидан шеър туқиб, маҳаллардаги наҳор ошларда вараңглатиб айтиб юрганмиш:

Хай майли, ашула ўз йўлига. Аммо бир нима қилиш керак-да, ахир. Эрта-индин қозқлар келади. Ундан кейин арабларга борамиз. Индамай утираверсак, уларга ҳам хир-гойи бўлиб кетишимиз ҳеч гап эмас. Мана, терма жамоа-си раҳбарларидан бири Маҳмуд ака Раҳимов муҳбирлар-нинг саволларига жавоб қайтариб, «Хориждан мураб-бийлар, уйинчилар тақлиф қилдик», дебдилар. Бунинг но-туғри жойи йўқ. Жуда кўплар оёқга туриб олиш учун ёнқи нима қилиб бўлса ҳам галаба-га эришиш учун шундай қили-шади. Фақат бунда бир на-сага жиддий эътибор бериш керак.

Етмиш бешинчи йил Киев-нинг «Динамо» командаси оламаро машҳур бўлиб турга-

Осийёни дейин, Фиррансёни дейин, Тиринурлар ваъдаси Елгоним ё чинму дейин.

Шунақа берилиб, куюниб айтаяптики, тинглаб туриб, биз ҳам беихтиёр қушилиб кетибмиз: Ваъдани берманг ака, Сўзламанг чиндан бўлак. Тиринур борми ўзи Бокисдагй Шиндан бўлак?..

Хай майли, ашула ўз йўлига. Аммо бир нима қилиш керак-да, ахир. Эрта-индин қозқлар келади. Ундан кейин арабларга борамиз. Индамай утираверсак, уларга ҳам хир-гойи бўлиб кетишимиз ҳеч гап эмас. Мана, терма жамоа-си раҳбарларидан бири Маҳмуд ака Раҳимов муҳбирлар-нинг саволларига жавоб қайтариб, «Хориждан мураб-бийлар, уйинчилар тақлиф қилдик», дебдилар. Бунинг но-туғри жойи йўқ. Жуда кўплар оёқга туриб олиш учун ёнқи нима қилиб бўлса ҳам галаба-га эришиш учун шундай қили-шади. Фақат бунда бир на-сага жиддий эътибор бериш керак.

Етмиш бешинчи йил Киев-нинг «Динамо» командаси оламаро машҳур бўлиб турга-

Мавжуд аччиқ ҳақиқатларга таяниб айтаялман.

Бошқа бир мулоҳаза. Футбол ҳуб ривожланган кўп-кўп мамлакатларда терма жамоага аъзо бўлиш спортчи учун олий шараф ҳисобланади. Уйинчилар бундай шарофат муеясар бўлиш учун машқларда жон фидо қилади-лар, устозларини отади-ли биллиб, уларнинг курсатма-ларини сўзсиз ба-жаришади. Мамла-катнинг номи, рамзи тўширилган футбол формасини биринчи бор кийиш чина-кам байрам ҳисобланиб, бу иш мураббийлар, дуствлар иштирокида амалга ошири-лади. Уйинчи терма жамоа аъзоллигига қабул қилинар экан, ўз мамлақати ман-фаатларига садоқатли бў-лишга ваъда беради.

Бизда-чи? Маҳмуд Раҳи-мовнинг эътирофича, фақат сўнги 6 учрашувда бундай формани 30 киши кийишди. Уларнинг яримдан кўти шунгача терма жамоа саф-лариде бирор марта ҳам майдонга тушишмаган экан. Мамлакат номидан майдонга тушиш шу ҳадар жўн иш бўлиб кетдики! Мана шу ҳақда ҳам уйлаб қурайлик.

Аҳмад ОҒА

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ. НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ. Манзилми: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32. Кабулхона телефони — 133-52-91. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳопаси. Манзил: Тошкент шаҳри, «Буёқ Тўро» кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОВ. Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Навбатчи муҳаррир — Гулчехра УМАРОВА

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН